

МЕН ЭЛИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН...

Ҳар қандай жамиятни, ҳар қандай тузумни адабиётга бўлган муносабатидан билиб олса бўлади. Маълумки, истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори миллий адабиётимиз ҳам том маънода янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг адабиётга эътибор-миллатга эътибор эканлигини таъкидлаб билдирган қуйидаги фикрларини алоҳида эътироф этиш ўринли: “Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди”. Дарҳақиқат халқимизнинг улуғ истеъдод вакиллари ва уларнинг меросини ўрганиш, тарғиб қилиш айниқса, истиқлол йилларида эътибор қаратила бошланди.

Ўзбек адабиётининг яқин тарихида ўзининг юксак ва сержило истеъдоди, серсамар фаолият мақоми билан ёрқин из қолдирган Ҳамид Олимжон ижодиёти ибратлидир. Унинг шеърояти ўз даврида “бахт ва шодлик”ни қуйлаган деб таърифланган эса-да, шоир ижодининг асл моҳияти бошқача: унга бир теран назар билан халқимизнинг эзгуликка бўлган курашлари тасвири, жаннатга тенг юртимизнинг кўкламию, кузи, жавокаш юртдошларимизнинг орзу ҳаёллари лирик қаҳрамон образи орқали намоён бўлади.

Бу юрт маърифатли халқ (Ҳамид Олимжон). Улғайиб келаётган гўдагининг қонига она алласи билан маърифат нури йўғрилган. Бешиқда алла, сал улғайгач эртак, достон эшитиб катта бўлган халқ- бу. Ўз хотираларида Ойбек онаси Шаҳодатбонудан тинглаган Сўфи Оллоёр, Хўжа Ҳофиз, Бедил, Навоий сингари сўз санъаткорлари, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналарини эшитиб улғайганини, Ғафур Ғуломнинг оиласидаги кичик адабий муҳит унга ғоят таъсир кўрсатганини қайд этса, истеъдодли шоир Ҳамид Олимжон онаси Комила аядан узун тунлар Ойгул билан Бахтиёр, Тоҳир ва Зухра, Ёрилтош ҳақидаги эртакларни тинглаб улғайганини, болалик кезлариданоқ халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлиб ўсганини шундай ёзади:

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим.

Ҳамид Олимжоннинг шуурига эзгулик ғоялари куйланган «Учар гилам», «Ёрилтош», «Тоҳир ва Зухра», ўт боғлаган қанотлар, беқанот учган отлар... умуман халқ оғзаки ижодининг таъсири катта бўлди. Бу жиҳат унинг ижодида ҳам ўз аксини топганлигига гувоҳ бўламиз. Миртемир «Дўст ва замондош ҳақида эсдаликлар» мақоласида: « Ҳамид Олимжон туғма ва нодир талант эди. Унинг қонида, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма бир зукколик, шоирона бир сажия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён, пешонасида ва йирик кўзларида улуғлик очик-ойдин эди », - деб ёзади.

Ҳамид Олимжон чакмоқ умри каби ғоятда қисқа ҳаёти давомида «Кўклам»(1929), «Олов сочлар»(1931), «Пойга»(1932), «Дарё кечаси»(1936), «Шеърлар»(1937), «Ўлка», «Ойгул билан Бахтиёр»(1939), «Бахт»(1940) сингари шеърӣ тўпламлари, дostonлари, драма ва таржималари билан адабиётимиз равнакига муносиб улуш қўшди.

Сўз эстетик таъсир воситасига айланиши учун унга ёрқин шеърӣ истеъдод, олов қалб ўз таъсирини кўрсатиши зарур. Ҳамид Олимжоннинг табиатан лирик шеърӣятига, нозик ҳиссиёт ва эҳтиросли кечинмаларга бой ижодига ҳукмрон мафкура ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шоир лирик қаҳрамони образи орқали миллий табиат ва миллий сурату сийрати билан Ватанни, юрт баҳорини, ёшлик завқини тараннум этади. Лирик қаҳрамон ўз қалбида кечган муҳаббатини, севги туйғуларига тўла юрагини, дардини тунга ёрилади:

Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Ой тўлқинлар пишқирган тунда
Топиб бер, деб ойга ёлбордим.

Ҳамид Олимжоннинг соф лирикасида бахт ва шодлик туйғуларининг инжа кўринишлари , дунёнинг гўзаллиги , қалб туйғуларининг нозик пуртаналари шеър бўлиб, «бир дарё кўшиқ бўлиб» қоғозга кўчади. Дунё гўзаллиги одамлар билан: «Гўзал этмиш дунёни одам , Одам билан гўзалдир ул ҳам», дея лирик қаҳрамон тилидан куйланади. Шоир ҳаётдан ўз бахтини излайди, «бахтим борми дея»сўрайди:

Юзларимни силаб-сийпалаб,
Бахтинг бор деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор деб қушлар чийиллар.

Туғилмок – бахт. Яшамок – бахт. Унинг тури бесаноқ. Керак бўлса, халқнинг юрагида мангу қолиш , унинг абадиятига айланиш – олий бахт. Ҳамид Олимжоннинг бахти шундадир.

Адабиётга вазифа тайинлаб бўлмайди, у пайдо бўлган куниёқ ўз вазифасини ўзи танлаб бўлган. У истеъдолар орқали қарашларни, тафаккурни, туйғуларни , муносабатларни янгилайди, яъни дидни ва савияни тарбиялашда давом этаверади (Назар Эшонқул). Ҳамид Олимжон шеърий оламига назар ташлар эканмиз, шоир асарларининг сеҳрли кучи бизни мафтун этади ва маънавий эҳтиёжимиз боис унга такрор ва такрор мурожаат этаверамиз.

*Зариф ҚУВОНОВ, “Ўзбек адабиёти”
кафедрасининг катта ўқитувчиси*